O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 25-oktabr • Payshanba • 131 (27.776) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли сержант ва офицерлар, ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари!

Бугун милиция ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари, умуман, бутун мамлакатимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган кун — бизнинг тарихимизда илк бор Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами нишонланмоқда.

Шу муносабат билан ўзини фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш каби олижаноб ишга бахш этиб келаётган барча ватандошларимни ана шу байрам билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди.

Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра, улкан ишлар амалга оширилди.

Ички ишлар идораларининг юқоридан қуйигача бўлган барча тузилмалари амалда сифат жиҳатидан бутунлай янгича асосда шакллантирилди, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини қарор топтириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб олинди. Бундай ўзгариш ва ислоҳотлар биринчи галда уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафикка қарши курашни кучайтиришга, тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинмаларини мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, пост-патруль хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва профилактика хизмати ролини ошириш, шунингдек, республикада ёнғин хавфсизлиги тизимини қайта кўриб чиқишга қаратилганини таъкидлаш зарур.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бу вазифаларни амалга ошириш ички ишлар идораларининг қиёфаси ҳамда улар фаолиятининг маъно-моҳиятини принципиал жиҳатдан ўзгартиришга хизмат қилди.

Милиция участка инспекторлари бўлинмалари негизида профилактика инспекторлари институти ва ҳар бир маҳаллада таянч пунктлари ташкил этилгани ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятни сезиларли даражада соғломлаштиришни таъминлади.

Фуқароларнинг яшаш жойларида, деярли ҳар бир маҳаллада «Маҳалла посбонлари» каби ноёб жамоат тузилмаси ташкил этилгани профилактика ишларини йўлга қўйиш ва олиб бориш ҳамда жамоат тартибини сақлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎҚУВ ДАРГОҲИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Фарғона вилояти таълим муассасаларида реконструкция, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари изчил бажарилмоқда. Қувасой шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ана шундай янги қиёфа касб этган таълим муассасаларидан биридир.

«Қувасойтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари кенг ва ёруғ синфхоналар, мажлислар зали, ўқув устахонаси, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олган 240 ўринли ўқув биносини тубдан қайта таъмирлади.

Шунингдек, бу ерда ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва математика фанлари чуқур ўргатиладиган мазкур илм масканида ўқувчиларнинг билим олиши, касб-ҳунар ўрганиши ҳамда спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.



Суратларда: *ўқувчилар мактаб-интернат ҳовлисида; бошланғич синф ўқитувчиси О.Попова дарс пайтида.*

Муқимжон ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган суратлар.

ШАРАФЛИ ВА МАСЪУЛИЯТЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ БАЙРАМИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли, мазмун-моҳияти жиҳатидан улкан ишлар амалга оширилди. Бу борада қатор фармон ва қарорлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз ҳукуматининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қайта ташкил этилди.

Бу сана — 25 октябрь — Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган қонунга биноан Ўзбекистон Республикасида ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида белгиланди.

Пойтахтимизда мустақил юртимиз тарихида илк бор нишонланаётган ушбу байрам муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда ички ишлар тизимида хизмат қилаётган фаол ходимлар, жанговар ва хизмат анъаналарини асрабавайлаб келаётган, ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларининг янги авлодини тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Б.Матлюбов, вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосари А.Сатторов, вазирлик хотин-қизлар қўмитаси раиси Қ.Султонова, вазирлик бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Н.Очилов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидладилар. Бу мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши, халқимиз фаровонлигининг янада ошиши, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали тизими яратилган. Зеро, ички ишлар идоралари бўлинмалари тезкор, замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳар томонлама пухта тайёрланган мутахассислардан ташкил топган тузилмалардан иборатдир.

Зиммасига халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчиликка таянган ҳолда, фидокорона меҳнат қилишдек масъулиятли вазифа юкланганини чуқур англаган ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат вазифаларини адо этишда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатмоқда. Бундан халқимиз ҳақли равишда фахрланади.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Абдуллаев иштирок этди.

(ЎзА)

☑ ЎзХДП: сиёсий майдонда 16 йил

КЕНГАШИБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганининг 16 йиллиги арафасида Бухоро вилоят партия кенгаши аъзолари, депутатлар ва тарғиботчилар иштирокида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига партиямизнинг иштироки, партиянинг ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўли, дастурий мақсадларга эришишнинг муҳим омиллари, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз кўтараётган ташаббуслар ва уларни тарғиб этиш масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

Вобкент туман партия кенгаши раиси Толиб Авезов, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти раиси Муҳиддин Бозоров, «Галаосиё» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси, тарғиботчи Матлаб Асадова, Қоровулбозор туманидаги «Қоровулбозор» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти раиси Баҳром Бозоров ва бошқалар партиямиз, унинг аъзоларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки, сайловлардаги фаолликни таъминлаш, партия нашрларига обуна ҳамда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ўқувларини ташкил этиш борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

«Эшитишимча, Президентликка номзодларни қўллаб-қувватлаш учун сайловчилардан имзо йиғилаётган экан. Бу нима учун керак?

Муяссар ЖАЛИЛОВА, уй бекаси, Самарқанд шаҳри»

Ушбу саволга ***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин РАЖАБОВ жавоб беради.***

— Бу жуда ўринли савол. Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар сингари Ўзбекистонда Президент сайлови ҳам демократик тамойиллар асосида, фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Конституциямизнинг 89-моддасида «Президент давлат бошлиғи бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини, ҳамкорлигини таъминлайди», деб белгиланган. Президент мамлакат ичкариси ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш юритади. Кўриб турибсизки, Президент ваколати ўта масъулиятлидир. Шунинг учун қонунда республика сайловчилар умумий сонининг беш фоизи миқдорида, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма сайловчиларининг бўлажак номзодни қўллаб-қувватловчи имзолари тўпланиши лозимлиги кўрсатилган. Номзодни қўллаб-қувватловчи имзолар бир маъмурий-ҳудудий тузилмадаги сайловчилар сонининг саккиз фоиздан ошиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бундай ҳолатнинг белгиланиши демократик сайлов принципларига мос бўлиб, унда фуқаролар фақатгина овоз беришда эмас, балки сайлов жараёнини ташкил этиш босқичининг ҳам фаол иштирокчиси сифатида бевосита қатнашишларига шароит яратади. Фуқароларнинг ушбу жараёнларда иштирок этиши мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш, жамият ҳаёти, мамлакатдаги сиёсий жараёнларда уларнинг ўз ўрни ва овози борлигини кўрсатади.

Президент ҳар бир мамлакатда миллат рамзи ҳисобланади. Ҳеч бир миллат ўзи учун лаёқатсиз йўлбошчи танламайди, балки энг кучли, энг маъқул номзодни сайлайди.

Шу туфайли бўлажак номзод имкон қадар кўпроқ маъмурий ҳудудлардан қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқ. Президентликка номзодни мамлакатнинг барча ҳудудларида сайловчилар қўллаб-қувватламаса, унинг номзодини кўрсатишнинг ўзи мантиқан тўғри бўлмайди. Шунинг учун қонунда шундай нормалар белгиланган ва бу халқаро тамойилларга тўлиқ мос келади.

Яқинда пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида «Western Union financial Services» фирмасининг ижрочи вице-президенти ва бошқарувчи директори Ҳикмет Эрсекнинг юртимизга ташрифи муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«WESTERN UNION» ХИЗМАТЛАРИ КЎПАЯДИ

Маълумки, дунё бозорида телеграф алоқаси борасидаги хизматларни кўрсатувчи илк фирма сифатида танилган «Western Union» бугунги кунда пул жўнатмаларининг глобал хизматлари соҳасида етакчи компания ҳисобланади. Ўзининг қатор шўъбалари билан биргаликда бу ташкилот 200 мамлакат ва ҳудудда одамларга бутун жаҳон бўйлаб пул ўтказишдаги ҳисоб-китоб тўловлари ҳамда пул жўнатмаларининг тезкор, ишончли воситаларини тақдим этиб келмоқда.

Айни вақтда фирма ўз мижозларига янада қулай ва арзон хизматларни тақдим этиш имконини берадиган инновация маҳсулотларини ишлаб чиқиш устида иш олиб бормоқда. Иқтисодий самара туфайли Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларига бўлган пул жўнатмалари тарифлари эса мунтазам пасайтирилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча вилоятларида 22 та банк орқали «Western Union» хизматлари йўлга қўйилган.

Жасур ҲУСАНОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Шу билан бирга, самарали тезкор-қидирув фаолият тизими яратилди. Тергов идораларини қайта ташкил этиш, яхши таъминланган, замонавий моддий-техник ва криминалистик базага эга бўлган тергов аппаратларини шакллантириш ҳисобидан жиноятларни очиш ва жиноятга жазо муқаррарлиги тамойилининг ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йилларда янгитдан ташкил қилинган милиция бўлинмаларининг республикамиздаги бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан хизмат ва жанговар топшириқларни бажариш бўйича ҳамкорлиги сезиларли даражада яхшиланди.

Айни пайтда милиция ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан яқин ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди, уларнинг сафарбарлиги ва содир этилаётган жиноятларга қарши тезкор кураш олиб бориш имкониятлари ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идораларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва уларни мустаҳкамлаш борасида юксак малакали, профессионал кадрлар тайёрлаш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ички ишлар вазирлигининг олий таълим муассасалари – Ички ишлар академияси, Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти, Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби фаолияти тубдан қайта ташкил этилди. Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ташкил қилинди ва самарали фаолият кўрсата бошлади.

Ўтган йиллар давомида ички ишлар идораларининг маҳаллий ҳокимият, «Маҳалла» ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқаларини бутунлай қайта кўриб чиқиш, ислоҳ қилиш ва кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар мамлакатимиз фуқароларининг милицияга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, ўз навбатида ички ишлар идораларимизга куч-қудрат бағишлаб, уларнинг ишончли фаолият юритишини таъминламоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари сафларида Ватанимиз манфаатларига садоқатли, муносиб ўғил-қизларимиз халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраш йўлида мураккаб вазифаларни адо этиб келмоқда.

Республика ички ишлар идоралари ходимлари кўпгина ҳолларда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, масъулиятли жанговар-хизмат вазифаларини бажаришда иштирок этмоқда. Бугун биз фуқароларнинг тинч ҳаёти ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш йўлида жонини фидо этган ходимларнинг ёркин хотираси олдида бош эгамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг янги авлодини тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшаётган ички ишлар идоралари фахрийларига самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азиз ватандошлар!

Биз мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётига уюшган ва трансмиллий жиноятчилик, наркобизнес билан боғлиқ хавф-хатарлар таҳдид солмоқда. Бундай бало-қазоларга қарши самарали курашиш, уларга муносиб зарба бериш ички ишлар идораларига тегишли барча хизматлардан аниқ ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳар бир ходимидан ўз хизмат бурчини масъулиятли чуқур ҳис этган ҳолда, ҳалол адо этишни талаб қилади.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида аҳамият бериш зарур:

Биринчидан, мамлакатимизда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бошланган тизимли ишларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳуқуқбузарликларни, биринчи галда ёшлар ўртасида олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, жиноятларни зўрлик билан очиш ва содир этилган жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминловчи тезкор қидирув ва тергов фаолияти тизимини такомиллаштириш.

Иккинчидан, ички ишлар идоралари ишидаги қонунийликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш, айниқса, йўл-патруль хизмати ва бошқа тузилмалар ишидаги камчиликларни бартараф этиш. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, шахсий таркибни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ички ишлар идораларини тасодифий ходимлардан, аввало, ўзининг ишчанлик, ахлоқий ва профессионал тайёргарлиги бўйича милиция ходими деган юксак унвонга нолойиқ кишилардан халос этиш борасидаги ишларни кучайтириш.

Учинчидан, Ички ишлар вазирлиги идораларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва компьютер техникасини жорий этиш, маълумотлар банкини шакллантириш ва ундан тезкор фойдаланиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратиш.

Тўртинчидан, профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор.

Профилактика инспекторлари ўз фаолиятини биринчи навбатда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асрашга қаратган тақдирдагина муваффақиятга эришиш мумкин.

Бешинчидан, трансчегаравий жиноятлар, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик, наркотикларни етказиб бериш ва тарқатиш манбаларига қарши кураш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Наркотикларга қарши кураш бўйича кўрилаётган барча чоралар ҳали-ҳануз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятидаги энг заиф бўғин бўлиб турибди, бу соҳа бўйича жавобгар бўлган тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш талаб даражасида таъминланмаяпти.

Олтинчидан, милиция ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ мақсадли ишларни янада кучайтириш муҳим вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак. Кейинги йилларда уларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, иш ҳақини ошириш йўлида кўп иш қилинди. Ички ишлар идоралари ходимларининг профессионал маҳорати ўсишини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча пул мукофотлари ва бошқа тўловлар жорий этилди. Бу ишлар бундан кейин ҳам давлатимиз ва жамоатчилигимизнинг эътибор марказида бўлади, албатта.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, мамлакатимизда барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва фуқароларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятли вазифаларни адо этишда улкан ютуқлар тилайман.

Ишончингиз комил бўлсинки, сизларнинг одамлар осойишталигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз доимо юксак қадрланади.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Бугун — Ўзбекистон Ички ишлар идоралари ходимлари куни

ЖАСОРАТ НАМУНАСИ КЎРСАТГАН

АКБАР АЗИЗОВ «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛДИ

...2005 йилнинг баҳори. Водий табиатида уйғониш фасли бошланиб, бепоён адирликлар яшил тус олаётган кезлар. Тоғлар бағрини кесиб ўтган йўлларда ҳам ҳаёт қайнай бошлади — автомашиналар серқатнов бўлиб, Қамчиқ — Резак довонида ҳаракат куну тун тинмайди. Йўлсозларнинг ҳам ишлари тиғиз. Қатновнинг узлуксиз ва бехатарлилигини таъминлаш мақсадида йўллар текисланади, тошшағал ётқизилиб, асфальтланади. Ана шундай кунларнинг бирида кутилмаганда қор кўчкиси юз бериб қолди. Ўша йили қор қалин ёққан ва кўчки хавфи бор эди. Хатар аримагунча қатнов ҳам бот-бот тўхтатиб турилди. Аммо турли хил эҳтиёт чоралари кўрилганига қарамай табиий офат ўз кучини кўрсатди — қалин кўчки йўлсоз-қурувчилар вагонини босиб қолди. 7 нафар киши вагон ичида қолиб кетди. Нима қилиш керак? Зудлик билан чора кўрилмаса, улар ҳалок бўлишлари ҳам мумкин. Бу ҳақда Поп тумани ИИБ ЁХБнинг 7-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмига хабар берилди. Қисм ёнғин ўчирувчиларидан иборат экипаж кўчки юз берган жойга тезликда етиб кеди. Бўлинма командири, кичик сержант Акбар Азизов вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда тезкорлик билан ишга киришди. Бўлинма ходимлари вагондагиларни қутқариб олиш учун бор маҳоратларини кўрсатишди. Акбарнинг ўзи эса хавф-хатарни ҳам унутиб, вагондагиларнинг икки нафарини қор остидан олиб чикди. Энди ўша кездаги манзарани, яъни қутқариб олинганлар ва қутқаришда қатнашган кишиларнинг чеҳрасидаги қувончни сўз билан ифодалаш қийин. Шу куни агар шошилинч ёрдам кўрсатилмаганда борми...

✧✧✧

...2006 йилнинг 28 августи. Худди шу куни соат 15.50 лар атрофида довон йўлида автофалокат рўй бериб, ёқилғи ташувчи машина ағдарилиб кетган ва портлаш содир бўлиб, катта ёнғин чиққанди. Бу ҳақда хабар бўлгани заҳоти яна Акбар Азизов бошчилигидаги бўлинма ҳодиса содир бўлган жойга етиб келди. Катта ёнғинни ўчириш осон кечмади. Не-не машаққатли ва хатарли ҳаракатлар натижасида довон йўли ёнғиндан халос этилди. Бу гал ҳам командирнинг ўзи яна жасорат кўрсатди — довоннинг тик қияликларида қўрқув нималигини унутиб, тезкор ҳаракатлар билан ёнғинга қарши курашди. Даҳшатли олов тўфони сўндирилиб, ҳайдовчининг ҳаёти сақлаб қолиниб, транспорт ҳаракати тикланди...

Очиғи, бу бўлинма аъзоларининг Қамчиқ — Резак довони ҳамда ўз ҳудудларидаги ибратли фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак, ёзсак арзийди. Қолаверса, ўзларига юртдошларимиз томонидан айтилган юзлаб раҳмату миннатдорчиликларни эшитган бу йигитлар «биз ўз бурчимизни бажаряпмиз холос», — деб қўя қолишади.

Чунки уларнинг ҳаётида бундай ҳодисалар кўп учраб туради. Кутилмаган пайтлари кимнингдир айби билан рўй берган олов офатларини бартараф этиш қанчалар катта машаққат ва заҳматли иш эканлигини фақат шу соҳа одамлари яхши билишади. Ёнғинни ўчириш бу — ҳаёт учун, инсон тақдири учун курашиш эканлигини дилдан ҳис этолган кишигина бу соҳа ходимлари меҳнатини қадрлай олади. Кўп йиллардан бери ўз вазифасини ҳалол ўтаб келаётган кичик сержант Акбар Азизов мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди. «Бу юксак мукофот фақат менга эмас, балки ўз хизмат бурчларини шараф билан ўтаётган барча касбдошларим меҳнатига берилган баҳо деб биламан», дейди Акбаржон фахр билан.

Даврон ҚАМБАРОВ,
ЎзР ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ходими

ХАЛҚ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Самарқанд шаҳридаги Саттепо мавзесида 11 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатади, 36 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси тасарруфидаги 4-сон милиция таянч пункти ходимлари кечаю кундуз халқ тинчлиги, осойишталиги йўлида астойдил хизмат кўрсатиб келишмоқда. Милиция таянч пунктининг 12 нафар профилактика инспекторлари аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самараси боис жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жиноят содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 фоизга камайган.

— Мақсадимиз қайсидир бир фуқарони жазолаш эмас, — дейди 4-сон милиция таянч пункти профилактика катта нозири, майор Жамшид Қодиров. — Биргинчи галда хулқида жиноят содир этишга мойиллиги бор шахслар билан жонли мулоқотлар олиб бораяпмиз. Маҳалла фаоллари ва посбонлари билан узвий алоқалар йўлга қўйилган.

Ҳа, халқимизда тинчлик, осойишталик бор жойда хайр-барака, тўкинлик бўлади, деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган. Зеро, бугунги ёруғ кунларимиз, файзли, осуда ҳаётимиз замирида ҳам биз мухтасаргина сўз юритаётган ички ишлар идоралари ходимларининг беминнат хизматлари ётибди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *таянч пункти ходимлари маҳалла фаоллари билан (юқорида); профилактика инспектори Ғайрат Маматов.*

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

Юз-кўзларидан табассум балқиб турган бу қизлар Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида хизмат қилишади. «Бугунги қутлуғ байрам билан барча ҳамкасбларимизни, қолаверса ҳам уйда, ҳам хизматда ўзларининг шарафли бурчларини ҳалол ўтаётган барча хотин-қизларни табриклаймиз» дейишди улар.

Суратда: *(чапдан ўнгга) Нигора Муҳаммаджонова, Дилноза Холдорова ва Оксана Козейкова.*

Козим ЎЛМАСОВ суратга олган.

Мулоҳаза

«СУТ БОР,

ДЕГАН ОВОЗ ҲАР КУНИ КЎПҚАВАТЛИ УЙЛАРДА

Табиийки, хонадон соҳибу-соҳибалари ҳам бу хабарни кутгандек олис йўл босиб келган сутчига пешвоз чиқадилар ёки балкондан имлаб юқори қаватга чақирадилар. Лекин... оқлик, поклик рамзи бўлмиш бебаҳо сут маҳсулотлари баъзан пачоғи чиққан, ранги кетган «баклашкалар»га қуйиб сотилаётганидан ранжишмоқда.

Қўшни аёллардан бири гапириб қолди:

— Ёш болаларим сутни ёқтиргани учун ҳафтасига тўрт-беш литр сут оламиз. Очиғи, гоҳида ҳалиги сут солинган идишнинг оғзини очсам... кечирасизу қандайдир ёқимсиз ҳидларни сезаман. Сутнинг ранги ҳам ғалатироқ бўлади. Нонуштада сут ичган фарзандларим баъзан соғлигидан шикоят қилиб қолишади. Ким билади, ўзи бу идишлар қаердан олинган?...

Ҳаммамиз яхши биламиз: халқ тилида «баклашка» деб аталаётган матоҳ фақат бир марта ишлатишга мўлжалланган! Улардан қайта-қайта фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Хўш, бу ҳақда мутахассислар нима дейишади?

Асатулла САИДХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария Бош бошқармаси юқумли касалликларга қарши курашиш бўлими бошлиғи:

— Бу муаммо бизни ҳам анчадан буён қийнаб келаяпти. Негаки шу масалада турли шикоят ва мурожаатлар бўлиб туради.

Сут ва сут маҳсулотларини «баклашка» (поливинил хлорид)га қуйиш учун фақат махсус стерилланган ҳолатдагина рухсат этилади. Унда ҳам махсус лаборатория текширувидан ўтказилиб, ҳеч қандай юқумли вирус йўқлиги санэпидстанция томонидан тасдиқлагандагина сотувга чиқарилиши мумкин. Агар кўча-кўй ёки чиқиндихонадан олинган ҳар қандай идишларга юз марта ювиб, чайқалса-да, сутми ва қатиқми, қўйингки, бошқа суюқликлар солинса, «Салмонеллёз», «Ешерихияколи» деган микроблар сақланиб қолади ва оқибатда қорин оғриғи ва ич кетиш ҳолатлари кузатилади. Бундан ташқари ўта хавфли бўлган туберкулёз (сил), бруцеллёз (қора оқсоқ, қора сон) сингари касалликларга чалинган молларнинг сути, гўшти истеъмол қилинса ҳам, юқоридаги касалликлар одамга ўтади. Шу боис яна такрорлайман, лаборатория текширувидан ўтмаган ҳамда бир марта ишлатиш тавсия этилган турли платмасса идишларга солинган сут-қатиқ ва бошқа маҳсулотларни истеъмол қилишни умуман тавсия этмаймиз.

Ушбу жиддий ва хавотирли фикрларни эшитиб, айнан шу сут ва қатиқ ортидан бола-чақа боқиб, тирикчилик қилаётган аёллардан бири билан ҳам суҳбатлашдик.

Маъмура опа:

— Йигирма йилдан бери шаҳарга қатнайман. Саҳарда бешларда етиб келаман, сут-қатиқ ўзимизники, иккита бидоним бор, шуни ярим соатда тарқатаману яна Оққўрғонга қайтаман. Ўзимнинг доимий сут оладиган одамларим бор. Ҳали шу пайтгача бирортаси шукрки, нолигани йўқ. Сиз айтаётган баклашкага ҳеч қачон сут ҳам, қатиқ ҳам солмайман.

Нуриддин АТАБОЕВ, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош врач ўринбосари:

— Қўштирноқ ичидаги «кичик тадбиркор»лар «баклашка»ларни кўчалардан ва чиқиндихоналардан йиғиб олиб, энг ачинарлиси, амалдаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар талабига, санитария-гигиена қоидаларига мутлақо зид равишда сут ва сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғлари ҳамда уй шароитида тайёрланган ва сифатини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган турли хилдаги салқин ичимликларни шундай

КАСАНАЧИЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Навоий вилояти Қизилтепа туманида хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада уй меҳнатига асосланган касаначилик усули қўл келаётир.

Тумандаги «Хадича» миллий ҳунармандчилик фирмасида 31 нафар касаначиси меҳнат қилади. Ойига икки миллион соф фойда топаётган корхонанинг саккизта филиалида олтмишдан зиёд хотин-қиз иш билан банд.

— Касаначилик аёлларимизнинг имкониятларини тўла юзага чиқармоқда, — дейди корхона раҳбари Хадича Воҳидова. — Эндиликда улар уй-рўзғор ишларига ҳам, бола тарбиясига ҳам, даромад орттиришга ҳам вақт топяпти.

Бу ерда зардўзлик маҳсулотлари, аёллар, эркаклар ва тўй либослари тикилади. Шунингдек, фирмага қарашли новвойхона, суратхона, гўзаллик салони ҳам ишлаб турибди. Яқин орада бу ерда бешикчилик, сандиқчилик, қандолатчилик соҳаларини ҳам ривожлантириш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда корхонада хотин-қизларни касбга йўналтириш, уларга миллий ҳунармандчилик сирасорларини ўргатишга ҳам жиддий эътибор берилаётир.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

ЎзХДП ҳаёти

ДЕМОКРАТИЯ МИНБАРИ

сиёсий партияларга ўз ғоясини илгари суриш, ҳимоя қилиш учун тенг имконият яратади, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашлари пленумларида

Пленумларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши муносабати билан ЎзХДП ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши пленумида партия вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков бу муҳим сиёсий тадбирнинг моҳияти ҳақида тўхталар экан, сайлов кўппартиявийлик, плюралистик асосда, жаҳонда умумэътироф этилган халқ ҳокимиятчилиги принципларига таянган ҳолда ўтиши, жамиятнинг ҳар бир вакилидан сиёсий фаолликни талаб этиши ҳақида фикр юритди.

Сайлов жараёнида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг ўз электорати манфаатларидан келиб чиқадиган ижтимоий устуворликларни тарғиб этиш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришишнинг самарали йўллари ҳақида фикрлашиш имконияти пайдо бўлиши таъкидланди.

— Халқимиз, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўладиган ушбу тадбир орқали барчамиз фуқаролик позициямизни намойиш этишимиз керак, — деди Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев. — Гап бу ерда мамлакат ҳаёти, тарихида из қолдирадиган сиёсий жараён ҳақида бораяпти. Халқимизнинг орзу-истаклари, хоҳиш-иродасини рўёбга чиқаришда унинг аҳамияти катта бўлади. Буни тарғиботчиларимиз электоратимизга чуқур тушунтириб бермоғи лозим. Шунинг билан бирга асосий вазифамиз — одамларда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси, юрт тақдирига жавобгарлик масъулиятини шакллантиришдан иборат.

— Ҳар бир фуқаро ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи бу сайлов ва уни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, сиёсий жараёнлар ҳақида қизиқарли ва мазмунли фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, — дейди пленумдан сўнг ЎзХДП Пайариқ туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Муҳаббат Султонқулова. — Пленумда кўрилган масалалардан келиб чиқиб, «Фаол аёллар» қаноти ҳам туманимиз хотин-қизлари орасига, чекка-чекка ҳудудларга кириб боради. Эзгу ишларимизни янада юксалтириш, фаровон келажак сари илдамлаш масалаларини яна бир бор муҳокама этиб олишда сайлов жараёни очиқ минбардир. Бунда фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ҳар қандай қарашларга мустақил баҳо бериш қобилияти — сиёсий онги ўсади.

Пленумда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров маъруза қилди. У Ўзбекистонда шаклланган демократик сайлов тизимининг ўзига хос хусусиятлари, 23 декабрь куни бўладиган сайлов ва сайловолди кампанияси жараёнида партия ташкилотларининг иштироки ҳақида батафсил тўхталди.

Муҳокамада сўзга чиққан ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Баҳодир Қосимов, Навоий шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова, Хатирчи туман кенгаши раиси Тошниёз Боймуродовлар сайлов жараёнларида партия кенгашлари ҳузурида тузиладиган тарғибот-ташвиқот гуруҳларининг вазифалари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши пленумида вилоят кенгаши аъзолари, шаҳар ва туманлар кенгашлари раислари, партиядан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар иштирок этдилар.

Вилоят партия ташкилотининг сайлов муносабати билан ташкилий-сиёсий ишлари хусусида партия кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов маъруза қилди.

Музокарада сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Усмонжон Бегматов, ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши раиси Уматали Маҳмудов ва бошқалар сайлов кампанияси даврида партия фаоллари ва аъзоларининг вазифалари хусусида мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоят кенгашларининг ҳам ушбу масалага бағишланган пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва партиянинг VI қурултойига делегатлар сайланди.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли Роҳила Муҳаммадиева раҳбарлик қиладиган Бухоро шаҳридаги оилавий Меҳрибонлик уйи олдида янги «Дамас» автомашинаси пайдо бўлди. «Ижтимоий ҳимоя йили» маҳаллий дастурига асосан Бухоро шаҳар ҳокимлиги уни Меҳрибонлик уйига совға қилди.

ОИЛАВИЙ МЕҲРИБОНЛИК УЙИ

«ДАМАС»ЛИ БЎЛДИ

— Илгари бизга ЎзХДП вилоят кенгаши компьютер тўпламини тақдим этганди, — дейди Роҳила опа. — Бу машинани олишда ҳам уларнинг ҳиссаси катта бўлди. Энди бозор-ўчар қилиш, фарзандларимизни саёҳатга олиб чиқишда машина бизга асқотади. Ғамхўрлик оилавий Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар қалбини шодликка тўлдирди.

(Ўз мухбиримиз).

Шарҳ

ИСТАЛГАН ПАЙТДА ҲУЖУМГА ЎТИШИ МУМКИН

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган хабарлардан маълумки, Туркия билан Ироқ шимолида жойлашган Курдистон ишчи партияси (КИП) жангарилари ўртасида вазият тобора кескинлашиб бормоқда.

Маълумки, 1984 йилдан бери Туркиянинг жануби-шарқида, Ироқ билан чегарадош ҳудудда Мустақил Курдистон давлатини тузиш йўлида кураш олиб бораётган Курдистон ишчи партияси жангарилари кейинги пайтда Туркияга нисбатан террорни кучайтириб юборди. Шу боис мамлакат маъмурияти Ироқ билан чегарадош ҳудудда ҳарбий қўшин тўплай бошлади. Ва ўтган ҳафта мамлакат ҳукумати Ироқ шимолидаги КИП жангариларига қарши ҳарбий операция бошлашга изн сўраб, парламентга мурожаат этди. Парламент эса ҳукуматнинг бу режасини қўллаб-қувватлади. Бунга жавобан КИП жангарилари Ҳақёр музофотидаги турк ҳарбийларига ҳужум уюштирдилар. Натижада Туркия армияси 16 нафар ҳарбийсидан айрилди, 20 нафари эса оғир жароҳатланди. Айрим манбаларда қайд этилишича, 8 нафар турк аскари асир олинган.

Ўз навбатида курдлар ҳам 32 нафар жангарисидан айрилган.

Шундан сўнг дунё жамоатчилиги Ироқда навбатдаги жанговар ҳаракатлар бошланиб кетмаслиги учун Туркияни босиқлик билан иш кўришга ундади. Жумладан, Миср ва Иордания маъмуриятлари Туркияни ҳарбий ҳаракатлар бошламай туришга, вазиятни дипломатия йўли билан юмшатишга чақирди. Ўз ўрнида Туркия ҳам ҳозирча ҳарбий операцияни бошламаслигини, лекин исталган пайтда ҳужумга ўтиши мумкинлигини билдирди. Бу ҳақда Туркия бош вазири Тайип Эрдоған Буюк Британия бош вазири Гордон Браун билан Лондонда ўтказган музокаралардан сўнг матбуот анжуманида маълум қилди. Британия бош вазири эса терроризмга қарши курашда Туркияни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Айрим маълумотларга қараганда, ҳозир Ироқ шимолида, яъни Туркия билан чегарадош ҳудудда 3,5 мингга яқин курд сепаратчилари тўпланган. Бироқ куни кеча улар жанговар ҳаракатларни тўхтатиш мўлжали борлигини эълон қилдилар. Бу ҳақда Ироқ президенти Жалол Талабони баёнот берди.

Дарвоқе, 28 сентябрь куни Туркия ва Ироқ терроризмга, аниқроғи, курд сепаратчиларига биргаликда қарши кураш ҳақида келишиб олишган. Айнан шу келишув ижросини таъминлаш масаласи 2-3 ноябрь кунлари Истанбулда Ироқ муаммоси бўйича ўтказилиши мўлжалланаётган халқаро конференцияда кўриб чиқилса ажаб эмас. АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ва Буюк Британия ташқи ишлар вазири Дэвид Милибэнд ушбу тадбир доирасида Туркия, Ироқ ва АҚШ вакилларини Туркия — Ироқ муаммоси юзасидан музокаралар бошлашга чақирди.

Дарвоқе, яна бир маълумот. Туркия маъмурияти курд сепаратчилари томонидан амалга оширилган террор оқибатлари телевидение орқали намойиш этилишини тақиқлади. Ҳукуматнинг телерадиоэшиттиришлар бўйича Олий кенгаш вакили Жалил Чичекнинг айтишича, курд террорчиларининг ҳужумларини ва унинг оқибатларини намойиш этиш жамият психологиясига акс таъсир этади, халқнинг ахлоқий меъёрларига мос келмайди, хавфсизлик кучлари имиджига путур етказади.

Гапнинг қисқаси, Туркия билан Ироқ чегарасида, аниқроғи, Курдистон ишчи партияси жангарилари жойлашган ҳудудда тобора кескинлашиб бораётган вазиятни дипломатик йўллар билан юмшатиш ва барқарорликка эришиш жаҳон жамоатчилигининг истак-хоҳишидир.

Алимқул СУЛТОН



ХАРИДОРЛАР ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида цехларни реконструкция қилиш, замонавий ускуналарни ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ва янги иш ўринлари яратиляпти.

Корхона телефон, сигнализация, электр ва бошқа турдаги кабеллар, пўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан металл тўрлар ишлаб чиқармоқда. Жаҳон андазалари даражасида ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотлар хорижда ҳам харидоргир бўлиб, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Туркия давлатларига экспорт қилинмоқда.

— Қўшма корхонамиз экспорт салоҳиятининг ортиши маҳсулот сифатига қўйилган талаб ва техник янгиланиш жараёнининг изчил амалга оширилиши билан боғлиқ, — дейди бош директорнинг сифат бўйича ўринбосари Анваржон Аҳмедов. — Эскирган дастгоҳлар ўрнини замонавий дастгоҳлар эгаллаши, ишчилар меҳнатининг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши корхона фаолиятини тубдан ўзгартирди.

Суратларда: «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚАТИҚ БОР...»

ЯШОВЧИЛАРНИ УЙҚУДАН УЙҒОТАДИ

идишларга қуйиб, бозорлар, кўчалар ҳамда аҳоли гавжум жойларда сотаётганлиги кузатилмоқда.

Хўш, аҳвол шундай экан, дея томошабинлик қилиб ўтириш керакми? Йўқ, албатта. Энг аввало шу масалага масъул идоралар, қолаверса, маҳалла-кўй, кенг жамоатчилик бундай ҳолатларга қарши кескин чоралар кўриши керак. Олайлик, аксарият бозорларимизда ҳозирги кунда сут ва сут маҳсулотлари сотиш учун махсус жойлар ажратилган. Ва бевосита шундай маҳсулотларни сотишдан аввал шу бозорлар ҳузуридаги санитария-эпидемиология хизматлари вакиллари текширувдан ўтказиб, рухсат беришади. Лекин бозор атрофида айланиб юриб сотилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмас.

Шунинг учун ҳаммамиз бу масалага бевосита ва билвосита жавобгармиз. Соғлиқ, саломатликни тенгсиз бойликка қиёслаймиз, лекин ўзимиз оддий туюладиган юқоридаги ташвишли манзараларга кўп ҳолларда кўз юмиб кетаверамиз...

Маҳалламиз фаолларидан бирига ўзимни қизиқтирган мавзу ҳақида гапирдим. У кишиям ўз кузатувлари ва мулоҳазаларини айтиб, қўшни «дом» ёнидаги чиқиндихонадан кунора қопқоплаб «баклашка» йиғиб кетадиган Сергей ва Ҳамид деган кишилар билан бир суҳбатлашишим кераклигини таклиф қилди. Орадан уч кун ўтгач, эски «Запорожец»ига ташлаб юборилган пластмасса идишлар юклаётган одамларга дуч келдим. Танишдик. Ўша амаки айтган «тадбиркор»лар экан. Бири камгап эканми, савол берсам елка қисди. Иккинчиси изоҳ берди: «Буларни нима қиласиз дейсизми? Пуллаймиз. Ҳажмига қараб бир литрлиги 3-5 сўм, бир яримлигини макулатурага топширсак, 10 сўм. Одамларгаям сотамиз 15-20 сўмдан».

Чилонзор буюм бозори ёнидаги автобекатда чой сотиб юрган Анвар деган болакайни гапга солдим.

— «Баклашка»нгдаги чойни неча сўмдан сотяпсан?

— Икки юз сўмдан.

— Чойинг нега жуда қорайиб кетган? Кечадан қолганми ё? «Баклашка» ҳам эскига ўхшайди...

— Аччиққина қора чой, ака. Қайноқлигида қуювдим, идиши сал эриб, қийшайибди. Лекин тоза, ювганман, олинг, арзон бераман...

Хуллас, бу мулоҳазали мақолани тайёрлаш жараёнида бундай майда-чуйда муаммолар аввал ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади, деган мазмундаги мужмал фикрларни айтиб, ўзларини саволлардан холи қилишга уринганлар ҳам бўлди. Бироқ, бу муаммога енгил-елпи қарашнинг оқибати яхшилик билан якун топмайди. Тасаввур қилинг, кимлардир ифлос жойлардан ё кўча-кўйдан териб олган пластмасса идишларга сут, қатиқ, чалоб, қимиз, ўрик шарбати ҳатто ёғ солиб сотаяпти. Биз эса индамай харид қилаверамиз, оқибатини ўйламаймиз. Бу идишлар нари борса бир-икки марта совуқ ёки иссиқ сувда чайиб олинади. Лекин масаланинг яна бир жиҳати ҳам бор: яъни ўз пешона териси билан ҳалол рўзғор тебратиб, халқимиз дастурхонини ўзларининг сут-қатиқ-қаймоқ сингари бебаҳо неъматлари билан тўкин қилаётган оққўрғонлик Маъмура опадай холис хизмат қилаётган инсонлар меҳнатини қадрлашни ҳам билишимиз керак. Ана шундагина биз куюниб айтаётган ноинсоф ва виждонини пул билан ўлчаётганлар қиёфаси очилиб қолади,

...«Сут келди, қатиқ келди.» Эшитаяпсизми? Шошилманг. Маслаҳатимиз — аввал овоз эгасини синчиклаб кузатинг. Сўнг эса сумкасидаги идишларини кўриб, керак бўлса сўраб-суриштириб пул узатинг. Акс ҳолда...

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

XORIJDA

БИР ЙИЛДА ТЎРТ МАРТА ЎЗГАРТИРИЛДИ

Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев мамлакатнинг янги Конституциясини имзолади. У 21 октябрь куни республикада ўтказилган умумхалқ референдумида қабул қилинган, дея хабар беради «Новости» АА.

Расмий маълумотларга қараганда, янги бош қомус учун референдум иштирокчиларининг 76 фоизи овоз берган.

Ажабланарлиси шуки, республикада 2006 йил ноябрдан бери тўртинчи бор Конституция ўзгартирилиши.

Асосий қонуннинг ушбу вариантига собиқ президент Аскар Акаев даврида қабул қилинган, яъни 2003 йилдаги Конституция асос қилиб олинган. Янги вариантда президент ваколатлари кенгайтирилган. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими раҳбарлари президент томонидан тайинланади. Бундан ташқари, эндиликда депутатлар парламентга бир мандатли округлар бўйича эмас, балки партиявий рўйхат асосида сайланадилар.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Конституция қабул қилингач, амалдаги парламент тарқатиб юборилди. Навбатдан ташқари парламент сайловлари эса шу йил охирида ўтказилиши кутилмоқда.

Янги Конституция расмий эълон қилингач, кучга киради.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНМАДИ

Грузия ҳукумати Буюк Британиянинг «Parkfield Investment» компанияси билан аввалдан келишилган шартномани имзоламади. Бунинг сабаби ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти.

Шу йил августда Британия компанияси Грузия темир йўл бошқаруви ҳуқуқини (99 йил муддатга) қўлга киритган эди.

Грузия иқтисодий ривожланиш вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «Reuters» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Вазирликдан маълум қилишларича, «Грузия темир йўли» акцияларини 100 фоиз қўлга киритиш бўйича навбатдаги танлов яқин кунларда эълон қилинади. У уч ой давом этади.

Республика ҳукуматининг талабига кўра, акцияларга эга бўлган хорижий инвестор 10 йил давомида 1 миллиард долларга яқин сармоя киритиши лозим.

Мамлакат темир йўли асосан Каспий нефтини дунё бозорига олиб чиқишга мўлжалланган. Бундан ташқари, шу йил бошида Озарбайжон, Грузия ва Туркия ҳамкорлигида Карс – Ахалкалаки – Тбилиси – Боку темир йўл тармоғини қуриш режалаштирилган. Ушбу қурилиш 2009 йилда якунланиши лозим. Унга 422 миллион долларлик сармоя сарфланиши керак.

Мазкур янги темир йўл тармоғида йилига 15 миллион тонна юк ташиш мўлжалланмоқда.



ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Американинг жанубий штати бўлмиш Калифорнияда неча кундирки, табиий офат — кучли ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. У аҳоли турар жойларини ҳам қамраб олган. 265 минг киши хавфсиз жойларга кўчирилган, 600 дан ортиқ уй, 168 та идора қуйиб, кул бўлган, умуман, олов 40 минг гектар майдонни «ялаб« ўтган. Айниқса, Сан-Диего округи катта зарар кўрди.

Ҳозир 14 та йирик ёнғин ўчоғи мавжуд бўлиб, уларнинг умумий майдони 601,89 квадрат километрни ташкил этади.

Оловни ўчиришда 5 мингга яқин ўт ўчирувчи, миллий гвардиянинг 1500 нафар аскари иштирок этмоқда. Бироқ улар кучсизлик қилмоқда. Шунинг учун штат губернатори Арнольд Шварценеггер президент Жорж Бушдан ёрдам сўради, мудофаа вазири Роберт Гейтсга мурожаат этиб, ёнғин ўчирувчи авиация жўнатишини илтимос қилди.

Губернатор штатнинг 7 та округида фавқулодда ҳолат жорий этди. Президент Ж.Буш ҳам ушбу округларда фавқулодда ҳолат эълон қилди, дейилади «Fox News» телеканали хабарида.

Маълумотларга қараганда, катта кучланишли электр узатиш тармоғининг кучли шамол оқибатида узилиб кетиши ёнғин чиқишига сабаб бўлган.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ ОЛИНАДИ

Шу йил 20 ноябрдан бошлаб Япония чегара-назорат пунктида мамлакатга ташриф буюраётган ҳар бир хорижий фуқаронинг бармоқ излари олинади. Бундан ташқари, махсус камера ёрдамида чет эллик фуқаронинг юз кўриниши суратга туширилади.

«RATA-News» АА хабарига кўра, ушбу янги тартиб яқинда қабул қилинган «Муҳожирлар назорати ва қочқинларни эътироф қилиш» тўғрисидаги қонунга биноан жорий этилмоқда. Бу қонун 23 ноябрдан кучга киради.

Мақсад терроризмга қарши кураш чораларини кучайтиришдан иборат.

16 ёшгача бўлган болалар, чет элда хизмат бурчини бажариб қайтаётган Япония фуқаролари ва давлат маъмурий органлари томонидан таклиф этилган шахслар бармоқ излари топшириш ва суратга тушиш мажбуриятларидан озод қилинади.

Худди шундай тадбирни 8 ноябрдан эътиборан Буюк Британия маъмурияти ҳам қўллашга киришмоқда. Фақат Японияда гидан фарқи шундаки, мамлакатга ташриф буюрувчи чет эл фуқаролари ўз мамлакатларидаги Британия элчихоналарига мурожаат этиб, аввалдан бармоқ излари ва юз тузилиши суратларини топширишлари лозим. Дактилоскопиядан ўтмаган фуқароларга эса Британия визалари берилмайди.

Маълумки, бундай тадбир бугунги кунда дунёнинг 111 та мамлакатида амалда қўлланилади.

Спорт

«ЭЗГУЛИК. ЯХШИЛИК. САЛОМАТЛИК»

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида мини футбол бўйича журналистлар ўртасида «Sport» ва «O`zbekiston futboli» газеталари соврини учун Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган анъанавий турнир ана шундай шиор остида ўтмоқда

Ўтган асрнинг 60-70- йилларида водийда, жумладан, Яйпан шаҳрида футболни оммавийлаштириш ҳамда ривожлантиришга катта улуш қўшган спортимиз фидойиси Олимжон Акбаров номини бугун кўпчилик ҳурмат билан ёдга олади. Ўзи туғилиб ўсган шаҳарда ҳашар йўли билан стадион қуришга бош-қош бўлган, «Меҳнат» жамоасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатган ва иқтидорли футболчиларни тарбиялаган бу инсоннинг фарзандлари бугун ота изидан бормоқда. Уларнинг ташаббуси билан тузилган Олимжон Акбаров футбол жамоаси Ўзбекистон биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, аллақачон мухлислар эътиборига тушган. Буни маҳаллий футболчилардан иборат жамоа айни чоғда биринчи лиганинг йигирма иштирокчиси ўртасида бешинчи ўринни банд этиб турганлигидан ҳам билса бўлади.

Мана уч йилдирки, Яйпанда футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб фахрийлар ўртасида турнир ташкил этиб келинмоқда. 2005 йилдан бошлаб пойтахтимизда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида уюштирилаётган мусобақа ҳам ана шу фидойи юртдошимиз хотирасига бағишланган. Журналистлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, футбол оммавийлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган турнирнинг нуфузи йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу йилги баҳсларда телевидение, радио ҳамда даврий нашрларда фаолият юритаётган қаламкашлардан иборат ўн саккиз жамоа майдонга тушаётир.

Қатнашчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, кейинги босқичга бериладиган саккиз йўлланма учун баҳс юритишмоқда. Эътиборли жиҳати, жамоалар таркибида нафақат таҳририятлардаги ёш ижодкорлар, балки уларнинг бош муҳаррирлари, кўпларга устозлик қилган тажрибали журналистлар, ўқитувчилар ҳам яшил майдонда шогирдлари билан тенгма-тенг тўп суришмоқда. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири Ўткир Раҳмат, ЎзДЖТУ ректори, профессор Ғайрат Шоумаров, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири Сайди Умиров, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Ҳалим Саидов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси ўринбосари Фарҳод Рўзиев ва бошқа бир қатор таниқли журналистларнинг майдонга тушиши турнир тобора оммавийлашиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ҳозиргача гуруҳларда якунланган учрашувларда кўплаб кутилган ва кутилмаган натижалар қайд этилди.

«А» гуруҳи. МТРК — «Хонадон» — 6:4, «Жамият» — «Туркистон» — 4:2, «Туркистон» — МТРК — 1:5, «Инсон ва қонун» — «Жамият» — 3:4, МТРК — «Инсон ва қонун» — 8:1, «Хонадон» — «Туркистон» — 1:4.

«В» гуруҳи. «Наврўз» FM — «XXI аср» — 3:1, «Ҳуқуқ» — «Халқ сўзи» — 2:6, «Халқ сўзи» — «Наврўз» FM — 3:9, ЎзДЖТУ — «Ҳуқуқ» — 5:0, «Наврўз» FM — ЎзДЖТУ — 4:4, «XXI аср» — «Халқ сўзи» — 5:3.

«С» гуруҳи. «Маърифат» — «Машъал-Садо» — 4:1, «Тошкент ҳақиқати» — «Ватанпарвар» — 7:6.

«D» гуруҳи. «Ўзбекистон футболи» — «Спорт» TV —3:1, «Ҳордиқ» — «Ўзбекистон овози» —2:8.

Таҳририятимиз жамоаси жой олган «D» гуруҳидаги вазият қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Ўзбекистон футболи»	2	0	0	6-1	6
«Ўзбекистон овози»	1	1	0	11-5	4
«Спорт» TV	0	1	1	4-6	1
«Ҳордиқ»	0	0	2	2-11	0

Бугун гуруҳларда ўтказиладиган сўнгги тур учрашувлари чорак финалчилар номини аниқлаб беради. Унда «Жамият» — МТРК, «Инсон ва қонун» — «Хонадон», «Ҳуқуқ» — «Наврўз»FM, ЎзДЖТУ — «XXI аср», «Ўзбекистон овози» — «Ўзбекистон футболи», «Спорт»TV — «Ҳордиқ», «Ватанпарвар» — «Маърифат», «Машъал-Садо» — «Тошкент ҳақиқати» жамоалари ўзаро куч синашадилар.

— Мусобақада иккинчи маротаба иштирок этишим, — дейди турнирнинг энг ёши улуғ қатнашчиларидан бири, халқаро журналистика факультети ўқитувчиси Сайди ака Умиров. — Очиғи, баҳсларнинг бошланишини интизорлик ва соғинч билан кутдим. Мусобақа баҳона турли йилларда факультетимизда таҳсил олган шогирдларимиз билан кўришиб турибмиз. Улар билан бир майдонда тўп тепиш жуда мароқли. Энг муҳими, бундай мусобақа хоналарда узоқ ўтириб қалам тебратадиган журналистлар учун кони фойда. Футбол кишини чиниқтириб, тетиклик бағишлайди. Шундай ажойиб спорт байрамини ташкил қилаётган ташкилотчи ва ҳомийларнинг отасига раҳмат.

Турнир ғолиб ва совриндорлари 28 октябрь куни маълум бўлади.

Эркин ХОЛБОБО.

Суратда: *мусобақадан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Тиббиёт: ислоҳот ва самара

МАЛАКАЛИ КАДР — ТИЗИМ САЛОҲИЯТИ

Тиббий олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш, дунёдаги тараққий этган давлатлар даражасида ва жаҳон стандартларига мос малакали кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингач, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар янада жадал тус олди.

Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори Октябр ТЕШАЕВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Ўтган ўн олти йил тиббиётимиз тарихида ўчмас из қолдирди, — деб сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси, хусусан, тизимда катта ўзгаришлар ясади.

Жумладан, барча вилоятлардаги тиббиёт муассасаларини юқори малакали шифокорлар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш ва ўтиш даврининг иқтисодий қийинчиликларини ҳисобга олган ҳолда, Бухоро, Нукус, Урганч ва Фарғона шаҳарларида янги тиббий олий таълим муассасалари ташкил этилди.

Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалдаги фаолиятини ва унинг барқарор ривожланишининг кафолатларини таъминловчи меъёрий, моддий-техника ҳамда ахборотлар базаси яратилди. Тизимга бюджетдан ташқари маблағлар ва чет эл инвестициялари жалб этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилди.

Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ёрдамида соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини ислоҳ қилиш лойиҳаси тайёрланиб, у муваффақиятли амалга оширилди. Олий тиббий таълим тизимида барча ўқув дастурлари қайта ишланиб, юқори малакали умумамалиёт шифокорлари тайёрлашда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий талабларга мос зарур ўқув ва моддий-техника базасини яратиш ва илғор таълим технологияларини жорий этиш, бўлғуси мутахассислар таълимини амалиёт малакасига боғлаб олиб бориш мақсадида «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармонига биноан собиқ Биринчи ва Иккинчи Тошкент тиббиёт институтлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил топди.

— Дарвоқе, бугунги тиббиётни халқаро ҳамкорлик ва замонавий моддий-техника воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Айни шу ҳамкорлик ва воситалар асосида тиббий олий таълим кадрларини тайёрлаш борасида қандай ишлар қилинаяпти?

— Ўқув жараёнининг сифати шубҳасиз, кафедраларнинг моддий-техника воситалари ва ускуналар билан таъминланганлик даражаси ҳамда мавжуд ахборот базасига боғлиқ. Бу борада академияда махсус дастур ишлаб чиқилган. Бугунги кунда 35 та маъруза заллари замонавий ускуналар (мультимедиа проекторлари, оверхет, компьютер, DVD-player) билан жиҳозланди. Барча кафедралар интернет тармоғига уланган компьютерлар билан таъминланди. Уларда олиб борилган ишларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича амалий ёрдам берувчи ахборот-ресурс маркази вужудга келди. 2006 йилда Испаниянинг Гренада университети билан ҳамкорлик доирасида замонавий фантом ва муляжлар билан жиҳозланган «Амалий кўникмаларни эгаллаш ва назорат қилиш маркази»га ҳам эга бўлдик...

— Сиз айтаётган шароитларда ўқиб чиққан баъзи ёш дипломли кадрлар ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар йўқми?

— Шундай ҳолатлар юз бермаслиги чора-тадбирларини кўраяпмиз. 2006 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, Академияни грант асосида битирувчилари ҳақида олдиндан тўлиқ маълумотлар (битирувчининг яшаш манзили, таълим йўналиши, ёши ва оилавий шароити тўғрисида) йиғишни йўлга қўйдик. Ушбу маълумотлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизимнинг вилоятлардаги бошқармалари ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади. Улар тақдим этилган шу маълумотлар асосида ўзларига тегишли жойларда мавжуд бўш иш ўринларини ўрганиб чиқиб, академиямиз битирувчиларига иш ўринлари таклиф қилишади.

Масалан, жорий йилнинг май ойида академия тақсимот комиссияси грант асосида битирувчиларни доимий яшаш жойи бўйича бўш иш ўринларга тақсимот қилди, яъни якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабалар ишга жойлашишлари учун аниқ манзилли йўлланмалар олишди.

Етук илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда эса малака ошириш алоҳида ўрин касб этади. Шу мақсадда Санкт-Петербург тиббиёт академияси, Россия давлат тиббиёт университети, Москва тиббий-стоматология университети, Москва тиббиёт академияси, Германиянинг Гумбольдт университети билан алоқалар йўлга қўйилди. Тошкент тиббиёт академияси ҳамда Family Medical Care маркази (Оклахома Штати, АҚШ) ўртасида оилавий тиббиёт дастурларини ўрганиш бўйича ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Гренада университети (Испания), Империал коллежи (Буюк Британия), Лиссабон университети (Португалия), Уэлс университети (Буюк Британия) билан ҳам ҳамкорликда тузилган «Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари клиник малакасини ошириш» лойиҳаси давом этмоқда.

Мухтасар айтганда, ҳар қандай жамият тараққиёти инсон саломатлиги билан боғлиқ. Шуни фахр билан айтиш мумкинки, Президентимиз Фармонида биз шифокор кадрларнинг машаққатли меҳнати ва ислоҳотлар самарадорлигига урғу берилиб: «1990 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 72,5 ёшгача, шу жумладан, эркакларнинг ўртача умр кўриши — 66 ёшдан 72 ёшгача, аёлларнинг ўртача умр кўриши эса 70 ёшдан 74,6 ёшгача узайди» — дейилган.

Бу хайрли ишларда тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.



ФАХРИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Яқинда Наманган вилоятида истиқомат қилаётган бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши фахрийлари замонавий тиббий ташҳис қўйиш ускуналари билан жиҳозланган «Сайдана» тиббиёт марказида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. «Сайдана»нинг тажрибали мутахассислари илғор тиббиёт технологияси ёрдамида уларга аниқ ташҳис қўйди ва даволанишнинг қулай йўллари ҳақида маслаҳат берди.

— Яқинда 88 ёшга тўламан, — дейди «Ишчи» маҳалласидан Саримсоқ ота Низомов. — Шу кунларни кўриш насиб этгани учун ҳаётимдан мамнунман. Биз, фахрийлар «Сайдана» тиббиёт маркази, «Нуроний» жамғармаси, вилоят мудофаа ишлари бошқармасига кўрсатаётган ғамхўрлиги учун ташаккур билдирамиз.

Суратда: врач А.Валиев С.Низомовни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Хабарингиз бор, шу кунларда Чикаго (АҚШ)да ҳаваскор боксчилар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Келгуси йили Пекин (Хитой)да ўтадиган XXIX ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи мазкур мусобақада юзга яқин давлатлар вакиллари энг кучли таркиб билан иштирок этишаётир. Ўн бир вазн тоифасида уюштирилаётган чемпионатнинг нафақат ғолиб ва совриндорлари, балки чорак финалчиларининг ҳам тўғридан-тўғри олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиши эса ҳар бир учрашувнинг муросасиз кечишини таъминламоқда.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА, МАҒЛУБИЯТ



Мусобақанинг дастлабки кунида 54 ва 64 кг. вазн тоифаларидаги «чарм қўлқоп» усталари рингга таклиф қилиндилар. Тажрибали мураббий Шароф Худойбердиев шогирдларидан биринчи бўлиб, гулистонлик Орзубек Шойимов (54 кг.) рингга кўтарилди. Илк учрашувда ҳамюртимизга иорданиялик Иброҳим ал-Ғарахир рақиб бўлди. Унда Орзубек рақибидан ҳар жиҳатдан устун эканлигини намойиш этиб, очколар ҳисобида ғалаба қозонди — 30:21.

64 кг. вазн тоифасида мутахассисларимиз фарғоналик Дилшод Маҳмудовга ишонч билдиришганди. Чунки Дилшод Хитойда ўтган аввалги жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритган эди. Аммо бу сафар боксчимиздан омад юз ўгирди. У илк учрашувда франциялик Алексис Вастиейнга билан куч синашиб, бир очко фарқи (27:28) билан ютқазиб қўйди.

Кеча кечқурун эса баҳслар давом эттирилди. Унда қўқонлик Элшод Расулов (75 кг.) Чехия вакили Ян Сайкога қарши рингга чиқди.

Жаҳон чемпионати учрашувлари 3 ноябргача давом этади.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ўқув йили қабулида тест синови натижаларига кўра, таълим тури ва йўналишлари бўйича пулли-тўлов шартнома асосида талабаликка тавсия этилиб, тўлов шартнома тўловини амалга оширмаган абитуриентларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига (2007 йил 9 октябрь 8-сонли баёни) биноан қўшимча контракт-тўлов асосида талабаликка тавсия этилган қуйидаги таълим йўналиши, тест коди ва кўрсатилган балларни тўплаган абитуриентларни қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.

№	Тест коди	Таълим йўналишларининг танлов коди (шифр)	Таълим йўналиши	Баллар оралиғи	
				ўзбек	рус
1.	X001	5850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича)	124,9 баллгача	—
2.	X003	5522500	Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси	—	78,2 баллгача
3.	X041	5524300	Маҳсулот сифати менежменти (тармоқлар бўйича)	108,6 баллгача	80,0 баллгача
4.	X016	5340200	Менежмент (соҳалар бўйича)	163,8 баллгача	—
5.	X057	5140900	Касб таълими (кимёвий технологияси)	81,1 баллгача	70,3 баллгача
6.	X057	5140902	Касб таълими (озиқ-овқат технологияси)	76,2 баллгача	—

Жадвалда кўрсатилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентлардан тўлов шартномаларини расмийлаштириб, тўлов маблағларини институт ҳисоб рақамига туширишни 2007 йилнинг 31 октябрига қадар амалга оширишини сўраймиз.

Манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 32 уй.

Тел.: 144-79-32. Қабул комиссияси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Musliddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 22.35
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda